O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Milliy Tiklanish

Gazeta 1995 yil, 10 iyundan chiqa boshlagan

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining haftalik gazetasi | 2002 yil, 22 yanvar | 2 (252) son



**РЕФЕРЕНДУМ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛИЙ ШАКЛИ – 27 ЯНВАР КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИГА ҚЎЙИЛГАН ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИ БОШҚАРИШ, ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ЎЗ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИ ИФОДА ЭТАДИЛАР.**
**РЕФЕРЕНДУМ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ, МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА ТАРИХИЙ БОСҚИЧ БЎЛАЖАК.**

## МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕСАМ...

*Партия ҳаёти*

...Эшикни қия очганча киришга изн сўраган йигитнинг сўзларида шу лаҳзадаёқ партия аъзосига хос қатъийлик, журъатни ҳис қилдим:

– «Миллий тикланиш» партиясими, мен унга аъзо бўлмоқчиман.

Ҳозиргина мен билан партияга хайрихоҳлар, оддий кишилардан тортиб раҳбар ходимларнингда унга муносабати ишончи ҳақида «қизиққанимдан сўраяпман» деб савол-жавоб қилиб ўтирган мухлисимизнинг бўлажак аъзомиз ташрифидан чеҳраси ёришиб кетди. «Бўлди, бошқа саволим йўқ, – деди у хурсандчилик билан ўрнидан қўзғаларкан, – эртагаёқ зарур ҳужжатларни олиб келаман. Газетангизга, йўғе, газетамизга эса албатта обуна бўламан...

– Партияда қандай ўзгаришлар бор? – сўрайди яна бир ҳаммаслак дўстимиз пойтахтга яқин вилоятдан тез-тез ташриф қилиб тураркан. Сўнгра шу вилоятдаги партиямиз ҳаётига доир лавҳалардан ҳикоя қилади, «тикланиш қадамлари билан танишинг» деб бошлайди у бу лавҳаларни. «Кўргазмали қуролларимиз ҳам бор фаолларимиз умумхалқ сўровига тайёргарликда қатнашяпти. Кузатувчиларимиз қонун доирасида участкаларда бўлишади деб қўшиб қўяди яна лавҳалар акс этган вилоят нашрлари нусхаларини илова қилиб, мана, танишинг, вилоят телевидениесида ҳам беришяпти».

– «Партия ўзгаришлари» ўзингизда экан-ку, – деймиз газеталарни қувонч билан варақлаб.

– Йўқ, бу бир бўғиндаги тикланиш, вилоятма – вилоят бир-биримизнинг иш тажрибамизни ўрганишимиз зарур, шунда ҳаммамиз бир юракдай урамиз. Буни эса партиядаги ўзгаришлар ҳал қилади, – деб янги вазифа – режа яратади ишчан партиядошимиз.

– Сирдарё вилоятида «Миллий тикланиш» партиясининг номи ҳаммага яқин бўлиб қолди, – бу сўзларни нафақат шу вилоятдаги кенгаш раиси Маматқул Бозорбоевдан, балки кўплаб сирдарёликлардан эшитиб қувонамиз.

– Вилоят кенгаш раҳбари чинакам партия етакчиси-да, раҳбари жуда режали, ҳаракатчан, бир сўзли киши. Самимияти, элга иш бўлиб, халқ тилида гапириши билан қисқа муддат ичида вилоят аҳли орасида партияга ҳам самимий эътибор уйғотди, – дейди улар яна.

Албатта, бу ўзаро самимият биз учун ниҳоятда қадрлидир. Яқинда ушбу кенгаш ташаббуси билан Гулистон шаҳар қурилиш коллежида ўтказилган учрашув таассуротлари ҳар дилга ҳам илҳом солади, десак янглишмаймиз. Унда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, ЎзМТДП Марказий ҳайъати раиси Иброҳим Ғафуров шу даргоҳ ўқитувчи, талабалари ҳамда маданият, маориф, жамоатчилик вакиллари билан самимий мулоқотда бўлдилар. Қалам аҳлининг қутлуғ сўзини ҳамиша ҳам эл қутлаб тинглайди, бундай мулоқотга орзиқиб келади. Учрашувга кўпчилик йиғилди, зал тўла, очиғи, остонага оёғи сиққан одам учрашув тугагунча қутлуғ сўзлардан диққатини узмади, дейилса муболаға бўлмас.

Шу Ватан фарзандларининг ҳар бири Миллий тикланиш партияси ҳақида сўзлашга ҳақли, сўзлаши зарур, назаримда.

– Миллий тикланиш десам, тикланиб кетаман! – дейди яна бир муҳаббатли мухлисимиз ҳар гал газетанинг янги сони чиққанлиги билан бизни табрикларкан.

Партия газетасидан партиянинг нафаси келиб туради, унда тикланиш ғоялари супратланади, элга сўзи етиб боради ва бизга мухлису хайрихоҳларни чорлайди.

Партиянинг юраги уриб турибди, унинг акс садолари биз маънавий аъзоларимиз деб билган юртимиз кишилари қалбидаги муҳаббатли сўзларда кўнгилга яқин эшитилмоқда. Партиянинг юрагида ИШОНЧ бор, бу ишонч маънавий аъзоларимиз, хайрихоҳларимиз умиди, бизга бўлган соғинчларига туташмоқда, миллий тикланиш томирлари, партия бўғинларини мустаҳкамламоқда.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**ЎзМТДП Марказий ҳайъати аъзоси**

*Сарҳисоб*

## РЕЖАЛАР ВА ЯКУНЛАР

9 январ куни ЎзМТДП Марказий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг 2001 йил иш якунлари ҳамда 2002 йилда амалга ошириладиган навбатдаги режалар, Референдумга тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, партия қароргоҳида иш юритиш билан боғлиқ ташкилий-молиявий масалалар таҳлил қилинди. Йиғилишда партия нашри бўлган «Миллий тикланиш» газетасига обуна мавсуми ўтган йилда қандай якунлангани, бу йилда ҳам келаси ойлар учун обунанинг яна давом эттириш ҳақида сўз борди.

ЎзМТДП Марказий ҳайъати раиси Иброҳим Ғафуров, партия раисининг биринчи ўринбосари Муқимжон Қирғизбоев, «Миллий тикланиш» газетаси Бош муҳаррир ўринбосари Дилором Маткаримовалар юқоридаги масалалар хусусида сўзга чиқдилар. Кенгаш аъзолари муҳокамасидан сўнг барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиздан**



**Дўппи кийсанг, ипагидан ўтгай жоним,**
**Тимсоли бор сенда ҳур Ўзбекистоним.**


**БУГУНГИ СОНДА**

2 бет:
У ерда ҳукмгача айбланувчи йўқ.
Шоирнинг оқ олмаси.

3 бет:
Данте: Абадий адолат тимсоли
Ибн Баттутанинг ҳайрати

4 бет:
Чўпий домланинг «олди-қочди» гурунглари
Ҳусайн Бойқаронинг уч саволи


## «МИРОБ» КОМПЮТЕРЛАР

Ер хазина бўлса, сув бу хазинанинг калитидир. Пахтаобод туманида қирқ беш километр узунликдаги эски канал қазилиб, сув тарқатиладиган ҳар бир қулоққа замонавий ускуналар ўрнатилди.

Суғоришнинг замонавий компютерлар ёрдамида ташкил этилиши билан «Пахтаобод» канали қайтадан дунёга келди. Мазкур лойиҳа учун АҚШнинг ЮСАИД АГЕНТЛИГИ маблағ ажратди. Эндиликда бу канал 17 минг гектар экин майдонига обиҳаёт бахш этади. Шубҳасиз, сув ҳам сезиларли даражада тежалади.

Шунингдек, сув тақсимотини тўғри йўлга қўйиш учун тумандаги метерологик станция компютер орқали миробларга бўлажак ёғин-сочинлар хусусида мунтазам маълумот етказиб туради.

## ҚОНУН БИЛИМДОНЛАРИ КЛУБИ

Марҳамат тумани марказий кутубхонаси қошида ёш қонун билимдонлари клуби иш бошлади. Клуб ишида мактаб ўқувчилари, ўрта махсус билим юртлари ва коллеж талабалари иштирок этмоқдалар. Туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари ташаббуси билан ташкил этилган клубга ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, шунингдек, олий ўқув юртлари ўқувчилари таклиф этиляпти. Бундан ташқари, ҳарбийлар, божхона ходимлари, нарколог шифокорлар ҳам тингловчилар билан қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар.

## ФОТОСУРАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида очилган «Ўзбекистон фотосураткашлари – 2002» номли кўргазма давом этмоқда.

– Мазкур тадбир юртимизда илк бор ўтказилмоқда, – дейди фоторассом Умида Аҳмедова, – фотокўргазмага республикамизда яшовчи ўн етти нафар сураткашнинг 150 дан ортиқ ишлари қўйилган. Воқеликнинг энг жозибали лаҳзасини фотокўзгу орқали томошабинларга тақдим этиш ҳар қандай ижодкорнинг қўлидан келавермайди.

Юртимизнинг тарихий обидалари, табиат гўзаллиги, ҳайвонот олами ҳамда мамлакатимизда ўтказилган нуфузли спорт мусобақаларини акс эттирувчи суратлар томошабинларни асло лоқайд қолдирмайди.

## ОБИРАҲМАТДАН ЗИЛОЛ СУВ ОҚАДИ

Чорбоғ маҳалласини кесиб ўтувчи Обираҳмат ариғи янги қиёфага кирди.

Қадимдан Самарқанднинг кўрки, ҳаёт риштаси бўлиб келган бу ариқ кейинги йилларда чиқиндилар ташланавериб, ифлосланиб қолган эди.

– Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан бошланган ободонлаштириш ишлари сабаб Обираҳмат ариғи асл қиёфасига кирди, – дейди маҳалла оқсоқоли Ҳофиз Остонов. – Маҳалла аҳли ҳамда ёшлар кучи билан ариқни тозалаб, унинг атрофига мевали ва манзарали дарахтларни ўтқаздик.

Ҳофиз отанинг айтишича, етти асрлик тарихга эга бўлган ариқ боболаримиз томонидан эъзозланиб келинган. Ҳозирги кунда ариқнинг юқори қисми – Обираҳмат даҳасидан ўтувчи ўзани ҳам қазилмоқда. Бугун арча ва мажнунтоллар, ариқ устига ўрнатилган чорпоялар кишининг баҳри дилини очади. Ариқни тозалаш ишларида 43-мактаб жамоаси ҳам фаоллик кўрсатди.

Маҳалла фаоллари Дилшод Саидов, Муқаддас Одилова, Муҳайё Исомова ва Матлабхон Ҳамдамовалар ҳар куни ишни ҳам, гапни ҳам ободончиликдан бошлайди. Уруш қатнашчиси, марҳум Фурқат Нарзиқуловнинг дўстлари унинг номига қўйилган кўчанинг тозалигига масъуллик билан қарайдилар.

– Одамларда киндик қони тўкилган жойга меҳр туйғуси уйғонди, – деди маҳалла оқсоқоли. – Ёшдир-қаридир, ҳар куни эрталабдан бир жойни тозаласам, дейди. Нигоҳлари озода жойга тушган кишининг кўнгли яйрайди.

## АЛП ТОҒИДАН СУВ ОЛГАН КЎЗА...

Пойтахтимиздаги Халқ амалий санъати музейида «Швейцария миллий ҳунармандчилик намуналари» кўргазмаси мухлислар диққатини жалб этмоқда.

Швейцария миллий ҳунармандчилик санъати асрлар оша ривожланиб келаётир, – дейди музей директорининг ўринбосари Юлдуз Ёрмуҳамедова «Туркистон-пресс» мухбирига. – Масалан, шимолий Швейцария ҳунармандчилик санъати Алп маданият намунасининг таркибий қисми ҳисобланади. Тичино шаҳрида эса Лотин маданияти ёдгорликлари кўпроқ учрайди. Бу нарсани фақат буюмларда учрайдиган айрим безак усулларидан фарқлаш мумкин.

XIX асрларда Швейцариянинг Аппенцел ва юқори Берн мулкидан тортиб, қўшни Эмментал шаҳрига қадар анъанавий қишлоқ ҳунармандчилиги санъати ривожланди. Бу ерлар керамика буюмларининг асосий марказларидан бири ҳисобланади. Шу пайтларда тараққиётнинг анъанавий рамзи бўлган сигир тасвири безакларда кўплаб ишлатилди.

XX аср бошларида Швейцарияда юз берган тезкор саноатлашиш жараёнида бой миллий маданиятнинг кўплаб турларига путур етди. Замонавий ички дизайн асосида эски анъаналарни сақлаб қолган Скандинавия мамлакатларидан фарқли равишда Швейцария халқ санъатини ўзининг кундалик ҳаётига татбиқ эта олмади.

1930 йиллардан бошлаб Швейцария халқи яна ўз миллий ҳунармандчилигини тиклай бошлади. Ҳозирги кунда миллий анъаналар асосан Швейцариянинг катта шаҳарларидаги амалий санъат мактабларида ривожлантирилмоқда. Бу мактабларда замонавий безак техникаси, шунингдек, бошқа маданиятларнинг ғоялари ўрганиляпти.

## ТИББИЁТДА СУҒУРТА ХИЗМАТИ

Андижондаги 4-поликлиника жамоаси билан «Ўзбекинвест» компанияси ўртасида суғурталанган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича шартнома имзоланди. Бундай хизмат вилоятда илк бор жорий этилмоқда.

– Маълумки, бозор иқтисодиёти ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Суғурта ҳам бозор иқтисодиётига хос хусусиятлардан бири. Жумладан, тиббиётда суғурта хизмати ҳам, – дейди поликлиника бош шифокори Раъно Шерматова. – Тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги жаҳон тажрибаларини ўрганиб чиқиб, бизда ҳам суғурталанган тиббий хизмат усулига ўтиш вақти етди, деган хулосага келдик. Тиббий хизматнинг бу шакли, биринчидан, соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасидаги рақобатни кучайтирса, иккинчидан, даволаш сифатининг ошишига олиб келади. Бунда, албатта, энг янги ташхис ускуналарига, замонавий тиббий жиҳозларга, малакали мутахассисларга, янгича даволаш усулларига эга бўлган жамоа ютади.

Унинг айтишича, «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси мутахассислари поликлиника имкониятларини ўрганиб чиққанларидан сўнг, шунда ҳам, ўзлари хоҳиш билдирган мижозлар билан суғурта шартномаси тузишни таклиф этадилар.

– Дарвоқе, хизматнинг бундай шакли тиббиёт ходимлари учун ҳам фойдали, – деди Раъно Шерматова. – Суғурталашдан келадиган даромад туфайли иш ҳақи ошади, қолаверса, техник жиҳозларни янгилаш имконияти пайдо бўлади. Мижозларимизга ҳам ўнғай, улар то шартнома муддати тугагунча, текин ва тез тиббий ёрдам олиш, уйда ёки амбулатория шароитида даволаниш имкониятига эга бўладилар.

Бош шифокорнинг маълум қилишича, муассасада 14 та мутахассис ишлайди, 50 дан ортиқ клиник ва биокимёвий текширувлар ўтказиш имконига эга бўлган лаборатория, УЗИ, ЭКГ, рентген аппаратлари, физиотерапия техникалари мавжуд.

– Жорий йилнинг қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилиниши тиббиёт ходимлари зиммасига янада катта масъулият юклади. Поликлиникамизда ҳозир 720 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳисобда туради, биз уларга асосан ўз уйларида тиббий ёрдам кўрсатиб, дори-дармонларни текин беряпмиз. Шифокорларимиз барча беморларга нафақат дори-дармон ёки муолажа билан, балки ширин сўзлари билан ҳам кўмак беришмоқда, – деб таъкидлади бош шифокор.

**«Туркистон-пресс»**

*Одамлар, давлатлар, қонунлар...*

## У ЕРДА ҲУКМГАЧА АЙБЛАНУВЧИ ЙЎҚ

***Қонунлар асоси фақат эзгулик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса-да, ҳар бир давлатнинг қонун-қоидалари турличадир.***

***Яқинда Хоразм вилоят жиноят ишлари суди раиси Султонмурод Хўжамуродов Англияда хизмат сафарида бўлиб, қайтди.***

***Бизга таниш ва нотаниш бўлган Англия давлати ҳуқуқ тизимининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида у билан суҳбатда бўлдик.***

– Англия давлати ҳуқуқ тизимининг континентал Европа ҳуқуқ тизимидан фарқли томонлари нималарда кўринади?

– Бу маънода аввало бу мамлакатда Конституция мавжуд эмаслигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, Англияда масалан, биздагидек Жиноят Кодекси, Жиноят процессуал кодекси, бошқа маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар алоҳида ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари мазкур мамлакатда содир этилган ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, бошқа давлатларда эътироф этилганидек, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят сингари категорияларга бўлинмайди. Чунки бу ерда ўрнатилган қонун ва қоидаларни бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиб айбдор шахс суд олдида жавоб бериши шарт ҳисобланади.

Англиядаги мавжуд суд тизимининг шаклланиш ва ривожланиш даврига назар солсак, мазкур давлатда аввал қироллик судлари (XII аср) ва кейинчалик магистрат судлари (XIV аср) пайдо бўлганлигини кузатамиз. Қироллик ва магистрат судлари жиноят ишларини мазмунан кўриб чиқиб ҳал қилишда Англия ва Уэлсда одил судловни амалга оширишда марказий ўринни эгаллайди.

Мамлакатда судлар томонидан кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарлик ишларини 80-85 фоизи магистрат судларида ҳал қилинади. Англия ва Уэлсда жами бўлиб 30 минг магистрат судялари фаолият олиб боради ва улардаги судларнинг кўпчилиги жамоатчилик асосида, яъни хизмат учун иш ҳақи олмасдан иш юритадилар.

Магистрат ишлар юридик маълумотга эга бўлмаган оддий фуқаролардан иборат бўлган уч киши таркибида кўриб чиқилиб, мазмунан ҳал қилинади ва асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган баъзида эса унча оғир бўлмаган жиноят (ҳуқуқбузарлик) ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш уларнинг ваколатига киради.

– Магистрат судда ҳуқуқий маълумоти ва касб-малакасига эга бўлмаган судялар қандай қилиб одил судловни амалга оширишда процессуал ҳужжатларни тўғри расмийлаштириши ёки содир қилинган ҳуқуқбузарликларга ҳуқуқий баҳо бериши мумкин?

(Давоми 2-бетда)

